

ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Асраев Усман Насирович

қ.х.ф.н (PhD)

Quyunchilik seleksiyasi va genetika markazi

Аннотация: Зотлар классификацияси уни яратилишида молларнинг қандай белги ва хусусиятлари асос бўлганлигига қараб фаркланади. Бу бир неча юз йилликлар давомида ўзгара борган. Ушбу мақолада қорамоллар зотлари классификацияси хақида суз юритилган.

Калит сузлар: Зотлар классификацияси, гўшт-сут, сут-гўшт-ишчи, гўшт-ишчи, Голланд, швиц, ярослав, герефорд, санта-гертруда, Литва кизил, Латвия кўнғир, Эстония қора-ола.

Ўтган асрда зотларнинг классификацияси уларнинг географик принципларига қараб тузилган. Кейинчалик янада оддийроқ қилиб, молларнинг маҳсулдорлик характери, морфологик ва бошқа белгилари асос қилиб олинди. Шунинг билан биргаликда зот урчитиладиган минтақанинг табиий-географик шароитига эътибор берилган. Ҳозиргача мавжуд бўлган зотларнинг қўчилиги яратилган мамлакат номи билан аталган. Мисол учун, олатов зоти Қирғизистон ва Қозоғистон оралиғидаги Олатов тоғи билан аталган. Худди, шунингдек, Қозоғистоннинг Авлиёта (олдинги Жамбул) вилоятида яратилган авлиёта зоти. Голланд, швиц, ярослав, герефорд, санта-гертруда зотлари ўзлари яратилган минтақа ёки юрти номи билан аталган. Ёки Ўзбекистоннинг зебусимон қорамолларидан қўрама хили яратилган минтақасидаги Қўрама тоғлари номи билан юритилган. Зотнинг бошқа бир классификациясида географик номи ёнига зотга хос бўлган молнинг туси-ранги қўшиб айтилган. Мисол учун, Украинада яратилган ва қўкиш рангда бўлган моллар “Украина қўл ранг” номини олган. Ёки Украинанинг чўл минтақасида яратилган қизил тусли моллар “Қизил чўл” номини олган. Шулар жумласига, Литва қизил, Латвия кўнғир, Эстония қора-ола ва бошқаларни қўришиш мумкин.

Кейинчалик мутахассис ва олимлар томонидан зотнинг классификацияси ўзгартира борилди. Узок вақт давомида Зетгегаснинг тақлифига қўра, зотларнинг классификацияси улар яратилган наслчилик ишининг салмоғига қараб белгиланди. Жумладан, қорамол зотлари қўйидагиларга бўлинади: маданий зотлар, маҳаллий ва оралик зотлари. Қорамол зотлари тақомиллаша борган сари уларнинг классификациясига ҳам аниқлик киритилди. Рус олимлари М.И.Придорогин ва П.Н.Кулешовлар молларнинг маҳсулдорлик йўналишини ҳисобга олган ҳолда зот классификациясини янада аниқлаштиришди.

М.И.Придорогиннинг классификацияси бўйича, қорамол зотлари сут йўналишидагиларга, қўш маҳсулдорлик йўналишидагиларга (гўшт-сут, сут-гўшт-ишчи,

гўшт-ишчи), гўштдор ҳамда ишчи йўналишдагиларга ажратилган. Унга қўшимча қилиб, сут йўналишдаги зотларни яратиш географик шароитига қараб бўлган. П.Н.Кулешов жами зотларни уч гуруҳга ажратган. Булар серсут, ишчи ва гўштдор қорамол зотлари. Олим ўз навбатида серсут зотларни яна ҳам кичик гуруҳларга бўлиб юборган. Жумладан, йирик зотлар, шимолий майда зотлар ва тоғ зотларига ажратган. Ш унингдек, ишчи мол зотларини икки гуруҳга – тоғ ҳамда чўл зотларига ажратган.

Бора-бора қорамолчиликнинг хар хил минтакаларга кенг тарқалиши билан зотнинг классификацияси ҳам ўзгарди. Зеро, уларни махсулдорлик йўналиши ҳамда географик келиб чикиши бўйича аташ нокулайлик яратди. Шунини хисобга олиб, барча зотдаги қорамолларнинг махсулдорлигини эътиборга олган холда улар уч катга гуруҳга бўлиб ўрганилмоқца: сут йўналишида, кўш махсулдорлик (сут-гўшт, гўшт-сут) ва гўштдор йўналишдагилар. Ҳозирги қорамолчилик фанида зотларнинг ушбу келтирилган классификацияси қабул қилинган.

Зотларнинг тарқалиши.Чорвачиликни асосий тормоқларидан бири бўлган қорамолчилик дунё миқёсида бир меъёрда ривожланмоқца. Қорамолларнинг сони, сут ва гўшт ишлаб чиқариш микдори кўпаяётир. Ер юзининг барча давлатларида ихтисослашган сермах- сул зотларни урчитиш кенг миқёсда олиб борилмоқца. Жаҳон миқёсида 1000 дан ортиқ қорамол зотлари яратилган. Шулардан 55 таси собик Иттифоқдан ажралиб чиққан мустақил давлатларда урчитилмоқца. Қорамол зотларининг махсулдорлик йўналиши бўйича салмоғини ҳисоблаганимизда сут ва кўш махсулдорлик йўналиши- дагилар умумий қорамоллар сонининг 96 фоизини ва гўшт йўналишидагилар эса 4 фоизини ташкил килади. Ўзбекистоннинг турли минтакаларида туманлаштирилган қорамол зотларидан 4 таси сут ва кўш махсулдорли йўналишдагилар (қора-ола, кизил-чўл, бу шуев ва швиц) ва учтаси гўшт йўналишдагилар (санта-гертруда, козоки окбош, абердин-ангус). Ундан ташқари яхшиловчи зотлар сифатида қора-ола тусли молдан голштин зоти, кўнғир тусли моллардан Америка ва Австрия швиц зотлари ҳамда кизил тусли моллардан англери, дания кизил, Латвия кўнғир, Литва кизил зотлари дан фойдаланилмоқца.

Сўнгги аниқланган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда урчитилаётган қорамолларнинг 40 фоизини қора-ола зотлари, 29 фоизини кизил зотлар, 22 фоизини кўнғир зотлар, 3 фоизини бушуев зоти ва 6 фоизини гўштдор зотлар ташкил килади. Кейинги 15-20 йил ичида қорамол зотлари орасида ихтисослаштирилган сермахсул зотларининг салмоғи ортиб бормоқца. Айниқса, қора-ола моллар гуруҳига кирувчи АҚШ нинг голштин зотлари махсулдорлиги ва хар хил табиий шароитларга яхши мослашиш хусусиятлари билан бугун ер юзида кенг тарқалаяпти. Бу зотдан фойдаланган давлатларда энг кўп микдордаги сут махсулоти соғиб олинмоқца. Жумладан, АҚШ нинг ўзида 1997 йилги маълумотларига кўра хар бир сигирдан 7690 килограммдан сут соғилган. Шунингдек, Исроилда – 8444 килограмм, Германияда – 5534, Нидерландияда – 6583 килограмм ва хоказо.

Ўзбекистоннинг иклим шароитида юқори озиклантириш меъёрида боқилган голштин зотли сигирларнинг сут махсулдорлиги 5000-6000 килограммни ташкил

килади. Шуни уқдириб айтиш керакки, ихтисослаштирилган сермахсул маданий зотлар озиклантириш ва саклаш шароитларига ўта талабчан бўлади. Агарда, нокулай шароитга тушиб қолиб, паст меъёра озиклантирилса, уларнинг махсулдорлиги кескин камайиб кетади ва бузоқ бериш хусусиятлари пасаяди. Шундай аҳвол Фарғона вилоятининг “Хамзаобод” наслчилик хўжалиги шароитида кузатилди. 1990-1993 йиллари хўжаликка Голландиядан голштин зотли ғунажинлар келтирилиб, яхши шароит яратилган даврда биринчи ва иккинчи туккан сигирларнинг сут махсулдорлиги 3500-5000 килограммни ташкил этди. Лекин 1995-1998 йиллари озика базасининг кескин камайтирилгани ва озиклантириш меъёрининг ўта пастлашиб кетганлиги натижасида сигирларнинг махсулдорлиги 4-5 баробарга пасайиб кетди ёки 900-1000 килограммни ташкил қилди, холос. Худди шундай аҳвол бошқа бир канча хўжаликларда ҳам кузатилди.

Шунинг учун молларни урчитишда уларнинг талаб даражасида озиклантириш, саклаш шароитлари яратиш, мумкин қадар имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозим. Ёки хўжаликларнинг мавжуд шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳамда зотнинг шу шароитга мослашиш ва кўникишига қараб, урчитишга эътибор бериш керак. Шунинг учун ҳар диим ҳам зотларни мақсадга мувофиқ тартибда тарқатиш ва урчитишда минтакаларнинг табиий-иклим шароити, озика базаси, озиклантириш меъёри, саклаш тизими ва хўжаликнинг иқтисодий аҳволига эътибор берилди. Зотларнинг мавжуд шароитга мослашиш ва урчиш хусусиятлари ҳамда махсулдорлик даражаси ҳисобга олинади. Бу кўрсаткичлар минтақа талабига тўғри келса, шундагина танланган зот кенг миқёсда районлаштирилади. Ҳар бир минтақанинг ёки вилоятнинг географик жойлашиши, табиий-иклим шароитига қараб, у ерда қупи билан 2-3 зот районлаштирилади. Аҳолиси кўп бўлган ҳамда саноат шаҳарлари атрофида жойлашган хўжаликларда асосан сут йўналишидаги зотлар урчитилади. Тоғолди ва тоғли минтакалардаги табиий яйловларга эга бўлган хўжаликларда кўш махсулдорлик ва гўшт махсулдорлик йўналишидаги зотлар урчитилади. Хўжаликлар эса урчитиладиган зотларнинг махсулдорлигига қараб, сут ёки гўшт йўналишига ихтисослаштирилади. Шаҳр атрофларида ҳамда суғориладиган экин майдонларига эга бўлган туманларда жойлашган хўжаликлар сут йўналишига ихтисослашган бўлса, шаҳарлардан узок, тоғ ва тоғолди адирликларида жойлашган хўжаликлар гўшт етиштиришга ихтисослаштирилади. Тош кент вилоятининг сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликларида қора-ола зоти, Қашқадарё, Бухоро, оразм вилоят хўжаликларида қизил чўл зоти, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Қоракўлпоғистон Республикаси хўжаликларида қизил, қора-ола ва кўнғир тусли моллар районлаштирилган. Бушуев зотли қорамоллар ҳозир фақат Сирдарё вилоятининг санокли хўжаликларида урчитилмоқда. Жиззах вилояти ва Қоракўлпоғистон Республикасида сай та-гертура ва қозоқи оқбош зотлари, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида-аберин-ангус зоти районлаштирилган. Шундай қилиб, ҳар бир маданий зот ўзининг хўжалик ва биологик хусусиятларига қараб, вилоятларда районлаштирилиб, маҳаллий

қорамолчиликнинг зотдорлик ва махсулдорлик хусусиятларини яхшилашда самарали фойдаланилмоқда.

Зотнинг таркибий тузилиши. Келиб чиқиши, биологик ва хўжалик фойдали хусусиятлари бир хил ва ўхшашликда ҳамда ўз авлодларига тўлиқ ўтказаолиш қобилиятига эга бўлган мавжуд социал- иктисодий шароитда инсон меҳнати асосида яратилган ва бир турга мансуб бўлган молларнинг мустақил бир бутун гурухи зот бўлиб хисобланади. Зот бўлиб тасдикланиш учун шакллантирилган моллар подалари сон ва сифат томонидан зот андозаси талабларига жавоб бериши, табиий иклим шароитига яхши мослашиши талаб этилади.

Зотни шакллантириш ва такомиллаштиришда унинг таркибида сифат томонидан ўзаро фаркланадиган турли гурухлари ва хиллари яратилиб, улар зотнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Зот ичида сифат томонидан ўзаро фаркланадиган гурухлар ва хилларининг мавжудлиги зотнинг хусусиятлари, наел ва махсулдорлик сифатларини такомиллаштиришда катта имконият яратади. Зотни урчитишдаги ҳар хил даврларда унинг таркибий қисми ҳам ўзгара боради. Наслчилик иши етук бўлса, зотнинг таркибий қисми бир меъёрга саклаб борилади.

Зотнинг таркибий тузилишидаги ҳар бир элементнинг ўзига хос аҳамияти бор. Унинг таркибий элементларига қуйидагилар қиради: зотнинг минтақавий хиллари, гурухлари, зот таркибидаги хиллари, бука тизимлари, сигирлар оилалари ва завод хиллари. Зот ичида кенг қўламда тарқалган мол гурухлари минтақа хилларига ажратилади. Минтақа хилларидаги моллар ўзининг тана тузилиши ва махсулдорлик хусусиятлари билан зотнинг асосий хилидан анча фаркланади. Минтақа хилидаги ва зот гурухидаги моллар кей инчалик янги зотлар яратишда асосий материал бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Кострома зотининг яратилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу зот швиц зотининг минтақавий хили асосида яратилган. Олиб борилган наслчилик ишларининг йўналишига қараб ҳамда минтаканинг иктисодий ва хўжалик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда зотнинг ҳар хил пода хиллари яратилади. Унинг ҳар хил пода хиллари ўзининг конституцион белгилари ва махсулдорлиги характерига қараб фаркланади. Жумладан, швиц, бушуев, кизил чўл, қора-ола ва бошка зотлар ичида серсут, сутли-гўштдор, гўштдор-сут махсулдорлик йўналишда бўлган моллар ҳар доим бир-биридан фарқланиб туради.

Ҳар бир зот ичидаги моллар турли хилларининг биологик хусусияти ҳар бир гуруҳда ўзигагина хос бўлади. Ш унинг учун зот ичида яратилган пода хилларининг ҳар биридан ва яратилган минтақалар шароитини ҳамда урчитиш мақсадларини хисобга олган ҳолда улардан тўғри фойдаланиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Зот ичидаги хилларнинг баъзи кенг тарқалганлари маълум бир шароитда янги зот яратиш базаси бўлиши мумкин.

Зотнинг таркибий тузилишини белгиловчи асосий элементларга букалар тизими ва сигирлар оилалари қиради. Бундан ташқари уларнинг генеологик тизимлари - кариндошлик гурухлари ажратилади. Бундай генеологик тизими завод тизимидан фаркланиш сифатидан қатъи назар бир букздан тарқалган жамики кариндош бўлган моллар қиради. Ҳар бир зотнинг ичида бука тизимлари ва сигир оилаларининг

бўлишлиги зотни такомиллаштиришда муҳим ама лий ахамиятга эга. Чунки бунда кариндошликда бўлган ҳар бир гуруҳ молларнинг фойдали хўжалик белгилари ва уларнинг хусусиятлари эътиборга олинади.

Зотлар ичидаги завод хиллари, подадаги молларнинг энг асосий ва фойдали белги, хусусиятларини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилган танлаш ва саралаш ишларини кўп йил узликсиз ташкил қилган наслчилик хўжаликлариди шакллантирилади. Зотни такомиллаштиришда завод хилларидан самарали фойдаланиш муҳим ахамиятга эга. Зотларни такомиллаштириш ёки генафонд тарикасида саклаб қолишда уларнинг хўжалик фойдали белгилари, биологик хусусиятлари, махсулдорлиги, табиий-иклим шароитига мосланишлиги ва бошқа бир канча уларнинг кўрсаткичларини аниқ ҳамда мукамал билиш талаб этилади. Биз ҳар бир зотни мукамал ва алоҳида ўрганишда уларни зот классификациялари асосида уч махсулдорлик йўналишига бўламиз. Биринчиси – сут махсул дорлик, иккинчиси – кўш махсулдорлик ва учинчиси – гўшт мах сулдорлик йўналишидагилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

9. Боголюбский С.Н. Происхождением преобразование домаш них животных. М., «Наука», 1959.
10. Дубинин Н.П. др. Генетические основы селекции животных М., «Наука», 1959.
11. Калашников А.П. Нормы и рационы кормления сельскохо зяйственных животных. М., «Агропромиздат», 1985.
12. Карчевский Э.Ю. Теория и практика разведения черно-псстро- го скота в Узбекистане. Т., «Фан», 1984.
13. Кравченко Н.А. и др. Племенное дело в животноводстве. М., «Агропромиздат», 1987.
14. А .И с м о и л о в . С а н о а т ч о р в а ч и л и г и д а о з и қ л а р д а н у н у м л и ф о й д а л а н и ш . - Т о ш к е н т , « Ў з б е к и с т о н » , 1 9 8 1 .
15. Интернет маълумотлари.
16. Матбуот саҳифалари.